

1.4841779 - СОН
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджеттеги ташкылар, якка тартибдеги тадбиркор ва конун хужжаттарига күра, юридик шахсни ташкил этимасдан фаолият юритувчи фуқаролик-хұжырлар мұнисабаттарынгы бошқа иштирокчилари) учун

Аділжон Ш.

24.01.2022 йил

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 30.12.2021 йилдаги №27-01-14/6020 - сонлии ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияның “ЎзМобайл” филиали директори С.С. Фахрутдинов, бундан бүн “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва БАЛИКЧИ ТИББЕТ КОЛЛЕЖИ номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик түгрисидеги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи ДАДАХАНОВА Д., бундан бүн “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, телекоммуникация хизматларини күрсатиш түгрисидеги Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) күйидагилар ҳакида туздилар:

1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини күрсатиш түгрисидеги Абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий оферта (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини күрсатилиши түгрисидеги шартнома тузади;

-Оператор томонидан күрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастьлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида күрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга нтификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастьлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат күрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2.Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал килиши даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишда умумэтироф этилган маданиятга амал килинган ҳолда, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1.Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар күрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик хисоб 100 (юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади.

3.2.Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллый валютада күрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3.Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни байнида амалга оширилади.

3.3.1.Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. Дастьлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4.Бюджет ташкыларни бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ күрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган ҳолда) 360000 (Ун жуз олчиминчи тоон) сўмни ташкил этиади. Ушбу сумма _____ (_____) сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда _____ (_____) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1.Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5.Абонент кейинги хисоб-китоб даври (хисобот ойи) бошлангунга қадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фоиз шарти билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида күрсатилган Операторнинг шахсий хисоб ракамларига пул маблагларини күрсатилган хизматлар хисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар күрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар күрсатилишини тўхтатади.

3.7.Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1.Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8.Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.



3.9.Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофиқ Хизмат учун асосида расмийлаштириладига хисоб-фактура билан ёпилади. ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларниң түлиқ календарь ойи учун умумий микдор кўрсатилиди.

3.9.1.Агар Абонент **10 (ён)** иш қуни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул қилинган ва Хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликининг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибида солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўз ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироznома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишили шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ён беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишида хабардор қилинади.

7.Якуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва **2022** йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тутаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттиrsa ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатни давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022** йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганилиги ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклиниң ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бун ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ён) календарь кун** ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатни шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхадан расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор:

“Узбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали

Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кучаси, 8 уй

СТИР: 203366731

МФО: 00401

ИФУТ: 61100

Х/р:

АТБ “Алоқабанк”

Тел.: 998367757, 998367767

e-mail: corporate@uzmobile.uz



Абонент:

Мижоз: БАЛИКЧИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

Манзил: 1, Ўзбекистон, Андижанская обл., Балықчинский район, UZBEKISTAN Andijan Region Baliqchi District

Банковские реквизиты: 40091086003206709260054001

МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ, РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ

ИНН: 201122919 XP: 2340200030010001010

ИНН: 206932548




Илова №1
Шартнома № 1.4841779
"24" январь 2022 йил

ТҮЛОВЛАР ЖАДВАЛИ
АК "Узбектелеком" Баликчи ф ва Баликчи тиббиёт коллежи ўртасида 24.01.2022 йил куни тузилган
№1.4841779-сонли шартнома умумий суммаси 360 000 сўм

Ойлар номи	Ўлчов бирлиги	Суммаси
Январь	Телефон хизмати	120000
Февраль	Телефон хизмати	120000
Март	Телефон хизмати	120000
Апрель	Телефон хизмати	0
Май	Телефон хизмати	0
Июнь	Телефон хизмати	0
Июль	Телефон хизмати	0
Август	Телефон хизмати	0
Сентябрь	Телефон хизмати	0
Октябрь	Телефон хизмати	0
Ноябрь	Телефон хизмати	0
Декабрь	Телефон хизмати	0
2022 йил учун жами телефон хизмати		360000

Томонлар имзоси

Оператор



Абонент

